

2002 ҳадис / «АЛИФ» ҳарфи / 1458-ҳадис

21-дарс

Жаноза ва уни кузатиш

ପ୍ରକାଶ ପାତାର ପାତାରିଙ୍ଗ ପାତାରିଙ୍ଗିଙ୍ଗ ପାତାର ପାତାର ପାତାରିଙ୍ଗ } : ପାତାରିଙ୍ଗ ପାତାର
ପାତାରିଙ୍ଗିଙ୍ଗ ପାତାର ପାତାରିଙ୍ଗ ପାତାର ପାତାରିଙ୍ଗ ପାତାରିଙ୍ଗ ପାତାରିଙ୍ଗ * ପାତାରିଙ୍ଗିଙ୍ଗ
ପାତାର ପାତାର ପାତାରିଙ୍ଗ ପାତାରିଙ୍ଗ ପାତାର ପାତାରିଙ୍ଗ ପାତାର ପାତାରିଙ୍ଗ ପାତାର
ପାତାରିଙ୍ଗିଙ୍ଗ.

«Токи қачон улардан (яъни мушриклардан) бирига ўлим келганида: «Парвардигор, мени (яна ҳаётга) қайтаринглар. Шояд, мен қолган умримда яхши амал қилсам», деб қолур. Йўқ! (У асло ҳаётга қайтарилиб). Дарҳақиқат, бу (ҳар бир жон бераётган кофир) айтадиган сўздир. Уларнинг ортида то қайта тириладиган кунларигача (дунёга қайтишларидан тўсиб турадиган) бир тўсик бўлур» (Муъминун сураси, 99-100-оятлар).

«**Ёки сизларнинг гумонингизча Биз сизларни бехуда** (яъни дунёда сизларга бирон вазифа бермайдиган, охиратда ҳисоб-китоб қилмайдиган ҳолда) **яратдигу, сизлар Бизнинг ҳузуримизга қайтарилимайсизларми?!** (Ундоқ эмас)» (Мұмминун сураси, 115-оят).

1. Абу Абдурроҳман Авф ибн Молик розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расууллоҳ соллаллоҳ алайҳи васаллам жаноза намози ўқиганларидаги дуоларини ёдлаб олдим, унда: **«Аллоҳуммағfir лаҳу варҳамху ва ъафиҳи ваъфу ъанҳу ва акрим нузулаҳу ва вассиъ мудхолаҳу вағсилҳу бил май вас салжи вал бароди ва наққиҳи минал хотойа кама наққойтас савбал абиазо минад данаси ва абдилҳу дарон хойрон мин дариҳи ва аҳлан хойрон мин аҳлиҳи ва завжан хойрон мин завжихи ва адхилхул жанната ва аъизҳу мин ъазабил қобри ва мин ъазабин нар»,** деб айтганлар, ўшанда, ҳатто мен ўша майит бўлишни орзу қилиб қолдим».

(Маъноси: Эй Раббим, уни мағфират қил, унга раҳм эт. Уни оғиятда қил ва авф эт. Тушадиган ерини мұкаррам, кирадиган ерини кенг қил. Уни сув, қор, дўл билан юв. Оқ кийим кирдан тоза бўлгани каби, уни хатолардан покла. Унга ҳовлисидан яхшироқ ҳовли, аҳлидан яхшироқ аҳл, жуфтидан яхшироқ жуфт бер. Уни жаннатга киргиз, қабр ва дўзах азобидан сақла.)

Имом Муслим ривоятлари

Манба: hadis.islom.uz



